

# **“Парламент билимдони” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида НИЗОМ**

## **I. Умумий қоидалар**

1.1 “Парламент билимдони” танлови (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг миллий Парламент тўғрисидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган танловдир.

1.2. Ушбу Низом танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартибини белгилайди.

1.3. Танлов Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилади.

1.4. Танлов 14 – 18 ёш ҳамда 19 – 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилади.

## **II. Танловнинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Танловнинг мақсади ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, миллий парламентимиз фаолияти тўғрисида ёшларга тўғри ва ишончли маълумотлар етказилишини таъминлашдан иборат.

## **III. Танловни ўтказиш қоидалари ва шартлари**

3.1. Танловда Ўзбекистон Республикасидаги барча давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар, академик лицей ва профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ёшлар иштирок этишлари мумкин.

3.2. Танлов 2024 йилнинг июнь ойи давомида ўтказилади. Танлов уч босқичдан иборат бўлади.

3.3. Танлов иштирокчилари ҳар бир саволга тўғри жавоб беришлари орқали 1 баллга эга бўлади.

3.4. Танловнинг 1-босқичида энг яхши натижани қайд этган 50 нафар иштирокчи 2-босқичга ўтади, 2-босқичда энг яхши натижа қайд этган 15 нафар иштирокчи финал босқичига йўлланмани киритади. Финал босқичида иштирокчилар учун оғзаки савол-жавоб ташкил этилади (*заруратга қараб “Zoom” платформаси орқали онлайн ташкил этилиши мумкин*). Энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби деб эълон қилинади. Баллар тенг бўлиб қолган тақдирда ўша иштирокчилар ўртасида қўшимча босқич (савол-жавоб) ўтказилади.

3.5. Низомнинг 3.4 бандида кўрсатилган босқичлар 2 та ёш тоифасида бир муддатда (14 – 18 ёш ҳамда 19 – 25 ёшгача) ўтказилади.

3.6. Танловда саволлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг фаолиятини қамраб олади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси фаолияти (Парламент тарихи, сайловлар ва сайлов кампанияси, парламент фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, сон жиҳатдан таркиби, қонун ижодкорлиги фаолияти, парламент назорати ва ҳоказо);
- депутатлар бирлашмалари фаолияти (фракциялар, уларнинг таркиби, ваколатлари);
- Сиёсий партиялар фаолияти (сиёсий партиялар тарихи, сиёсий партияларни молиялаштириш).

3.7. Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни (исми-шарифи, яшаш манзили, телефон рақами) “махсус бот”га жойлайди ва рўйхатдан ўтади.

3.8. Танлов бошланганлиги тўғрисидаги эълон Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилади.

3.9. Танлов “Telegram” мессенжерида ташкил этилган “@Parlament\_bilimdoni\_bot” орқали ўтказилади, танлов саволлари ўзбек тилида берилади.

#### **IV. Танловни ўтказиш бўйича ташкилий комиссия**

4.1. Танловни ташкил этиш ва ғолибларни аниқлашда холислик, одиллик, шаффофликни таъминлаш ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш учун Ташкилий комиссия тузилади.

4.2. Ташкилий комиссия таркиби Қонунчилик палатаси депутатлари, фракциялар аъзолари, Ёшлар комиссияси ва Ёшлар парламенти аъзолари вакиллари билан иборат бўлади.

4.3. Танловни ўтказиш бўйича ижроия органи Қонунчилик палатаси Девонининг Парламент ахборот маркази.

4.4. Мазкур низомнинг 3.6 бандида кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича саволлар ва жавоблар вариантлари Ташкилий комиссия томонидан тузилади ҳамда танловнинг ижроия органига “Telegram” мессенжерида ташкил этилган “махсус бот”га жойлаштириш учун тақдим этилади.

4.5. Танлов якунларига кўра, ижроия органи Ташкилий комиссия б нафар (икки ёш тоифаси бўйича) ғолибни аниқлаш учун барча маълумотларни тақдим этади.

4.6. Танлов ғолиблари Қонунчилик палатаси дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

#### **V. Якуний қоидалар**

5.1. Мазкур Низомда қўзда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.2. Мазкур Низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш Ташкилий комиссия қарори билан амалга оширилади.

5.3. Танлов натижалари ОАВда эълон қилиб борилади.

5.4. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими “Ёшлар куни” арафасида ташкил этилади.